Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 156 (6017).

11 АВГУСТ

ПАЙШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



Тошкент подшипник ремонти заводи коллективи пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши олдидан деҳқончилик машина механизмлари ремонти учун ҳар хил деталлар тайёрлаб беряпти. Бу хайрли ишда тиклаш цехи илғор ишчиларидан К. Михалёва ва С. Федоренчиклар касбдошларига намуна бўлишяпти. Улар нормани доим ортиғи билан бажаришмоқда ва фақат сифатли маҳсулот беришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕРИМ-ТРАНСПОРТ ОТРЯДЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ставрополь ўлкаси Ипатово районининг йиғим-терим ишларини уюштириш тажрибаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан юксак баҳоланганидан сўнг Оқолтин район партия комитети пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш ва тайёрлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Ипатово райони тажрибаси асосида тузилган бу тадбирлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари 1977 йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказиш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Область партия комитети қайд қиладики, область хўжаликларида терим-транспорт отрядлари тузиш ва техникадан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар қилинаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг «Ставрополь ўлкаси Ипатово райони партия ташкилотининг 1977 йил ҳосилини йиғиб-териб олиш соҳасидаги тажрибаси тўғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Оқолтин район партия комитетининг пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва тайёрлаш соҳасидаги тадбирлари тўғрисида»ги қарорини кенг муҳокама қилган Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози дирекцияси партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу йил ана шу илғор усулни ўз хўжаликларида кенг қўллашга қарор қилдилар ва конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Бу тадбирларда олтита терим-транспорт отряди тузиш назарда тутилган.

Область партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретариатининг «Оқолтин район партия комитетининг пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва тайёрлаш соҳасидаги тадбирлари тўғрисида»ги қарорини раҳбарликка ва ижро этиш учун қабул қилди.

Область партия комитети Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг 1977 йил пахта ҳосилини Ставрополь ўлкаси Ипатово райони тажрибаси асосида терим-транспорт отрядлари билан йиғиштириб олишни ташкил этиш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетларига «КПСС XXV съезди» совхози тадбирларини ҳар бир район, колхоз, совхоз коллективлари ўртасида кенг муҳокама қилиш ва шу асосда ҳар бир хўжаликда пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг комплекс планларини ишлаб чиқиш топширилди.

Комплекс планларда экинларга ишлов беришни кучайтириш, ҳосилга ҳосил қўшиш имконини берувчи муҳим тадбирларни бажариш, майдонларни йиғим-теримга намунали тайёрлаш, барча терим техникалари ва транспорт воситалари ремонтини тезроқ тугаллаш масалалари кўзда тутилиши лозим.

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область инспекциясига, «Узсельхозтехника» область бирлашмасига ва унинг жойлардаги органларига ҳосилни йиғиб олиш ва тайёрлаш планларини тузишда, техникани ремонт қилишда, кадрларни танлаш ва тайёрлашда, ишни икки сменада ташкил этиш учун терим агрегатларини механизатор кадрлар билан таъминлашда районларга, колхозларга ва совхозларга максимал ёрдам бериш юклатилди.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, хўжаликларнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириш ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда терим транспорт отрядларига ташкилий жиҳатдан ёрдам бериш топширилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область радио эшиттириш ва телевидение бош редакцияларига Ипатово райони усули асосида йиғим-теримни ташкил этган хўжаликларнинг иш тажрибасини ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятни бажариш йўлидаги мусобақани мунтазам ёритиб бориш топширилди.

БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ «КПСС XXV СЪЕЗДИ» СОВХОЗИНИНГ 1977 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИМ-ТРАНСПОРТ ОТРЯДЛАРИ (КОМПЛЕКСЛАРИ) АСОСИДА ЙИҒИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози коллективи КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларидан рухланиб ва СССР янги Конституция лойиҳасини қизғин маъқуллаган ҳолда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Совхоз коллективи юбилей йилида пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 10 минг 600 тонна «оқ олтин» сотишга қарор қилган. Совхоз пахтакорлари бу йилнинг ноқулай келган об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, мўл ҳосил учун пухта замин яратдилар. Ҳозир йиғим-терим бошлангунга қадар ҳар бир гўза тупида 12—13 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилиш мақсадида гўзани парвариш қилишда амалий тадбирлар кўрилаётир.

Социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши ҳосилни ўз вақтида сифатли йиғиштириб олишга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу йил етиштирилган ҳосилнинг камида 80 процентини машиналарда териб олиш мўлжалланмоқда. Совхоз коллективи Ставрополь ўлкаси Ипатово районининг ҳосилни йиғиштириб олишни уюштириш тажрибасини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқди.

Совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия ташкилотининг 1977 йил ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказиш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Область партия комитети қайд қиладики, область хўжаликларида терим-транспорт отрядлари тузиш ва техникадан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар қилинаяпти.

Совхозда 80 нафар механизатор пахта териш машиналарини, 17 та «зангори кема», 7 та подборщик, 14 та кўсак терадиган машина, 33 та транспортер ва 160 та прицеп тайёрлаб қўйилди.

Ҳозир барча пахта териш машиналари сифат комиссиялари томонидан қабул қилиниб, уларга паспортлар ҳамда гарантия талонлари берилган ва механик-ҳайдовчиларга бириктириб қўйилган.

Совхозда 80 нафар механизатор пахта териш машиналарини, 17 та «зангори кема», 7 та подборщик, 14 та кўсак терадиган машина, 33 та транспортер ва 160 та прицеп трактори бириктирилган. Хўжаликда ана шундай 6 та отряд тузилди. Отрядга унинг бошлиғи [бўлим бошлиғи], парторг [цех партия ташкилотининг секретари], механик ва ҳисобчилар раҳбарлик қилишади. Ҳар бир отряд майдонни машина теримига тайёрловчи, йиғим-терим, транспорт, подборщик, техник хизмат кўрсатиш ва отряд коллективига маиший хизмат кўрсатиш звеноларидан ташкил топган.

Механик-ҳайдовчилар гувоҳномасига эга. Бундан ташқари, хўжаликда очилган курсларда ҳайдов тракторлари механизаторлари, шоферлар, марказий ремонт устахонаси ишчилари ҳам терим агрегатларида пахта теришга ўргатилди. Ана шулар ҳисобига пахта териш машиналари экинпажларини 15 августгача тўлдирамиз ва терим давомида ишни икки сменада ташкил этамиз. Терим бошланишига ўн кун қолганида механик-ҳайдовчиларнинг конкурсини ўтказамиз. Ғолибларга «Энг яхши механик-ҳайдовчи» номи берилади ва 150, 100 ва 80 сўмлик учта мукофот берилади.

20 августга қадар асфальтланган майдонларни, тош-тарозиларни, йўл ва кўприкларни ремонт қилишни тугаллаймиз ва ёнилғи-мойлаш материалларини етарли миқдорда гамлаб қўямиз.

Барча терим агрегатлари, транспорт воситалари ва майдонларни теримга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бошқа қишлоқ хўжалик машиналарни терим-транспорт отрядларига бириктирилган. Ҳўжаликда ана шундай 6 та отряд тузилди. Отрядга унинг бошлиғи [бўлим бошлиғи], парторг [цех партия ташкилотининг секретари], механик ва ҳисобчилар раҳбарлик қилишади. Ҳар бир отряд майдонни машина теримига тайёрловчи, йиғим-терим, транспорт, подборщик, техник хизмат кўрсатиш ва отряд коллективига маиший хизмат кўрсатиш звеноларининг механик-ҳайдовчилари гувоҳномасига эга. Бундан ташқари, хўжаликда очилган курсларда ҳайдов тракторлари механизаторлари, шоферлар, марказий ремонт устахонаси ишчилари ҳам терим агрегатларида пахта теришга ўргатилди. Ана шулар ҳисобига пахта териш машиналари экинпажларини 15 августгача тўлдирамиз ва терим давомида ишни икки сменада ташкил этамиз. Терим бошланишига ўн кун қолганида механик-ҳайдовчиларнинг конкурсини ўтказамиз. Ғолибларга «Энг яхши механик-ҳайдовчи» номи берилади ва 150, 100 ва 80 сўмлик учта мукофот берилади.

20 августга қадар асфальтланган майдонларни, тош-тарозиларни, йўл ва кўприкларни ремонт қилишни тугаллаймиз ва ёнилғи-мойлаш материалларини етарли миқдорда гамлаб қўямиз.

Барча терим агрегатлари, транспорт воситалари ва майдонларни теримга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бошқа қишлоқ хўжалик машиналарни терим-транспорт отрядларига бириктирилган. Отрядга унинг бошлиғи [бўлим бошлиғи], парторг [цех партия ташкилотининг секретари], механик ва ҳисобчилар раҳбарлик қилишади. Ҳар бир отряд майдонни машина теримига тайёрловчи, йиғим-терим, транспорт, подборщик, техник хизмат кўрсатиш ва отряд коллективига маиший хизмат кўрсатиш звеноларининг механик-ҳайдовчилари

17 ХВ—1.8 терим машинасида [тонна]	ХН—3.6 терим машинасида [тонна]	Мукофот пули
80—100	100—120	100 сўм
101—120	121—150	150 сўм
121—150	151—200	200 сўм
150 дан юқори	200 дан юқори	300 сўм

Механик-ҳайдовчиларнинг терим сифати ва ҳосилни юбуд қилмай теришдаги моддий манфаатдорликларини оширишга ҳам катта эътибор берамиз. Шу мақсадда ҳар бир терим-транспорт отрядида раҳбар ва мутахассислар, совхоз дирекцияси ва партия комитетининг вакилларидан иборат комиссия тузилди. Бу комиссия биринчи ва иккинчи машина терими олдидан барча карталарда контроль терим ўтказади ва ҳар бир гектардан қанча ҳосил териб олиш мумкинлигини аниқлайди.

Ҳар бир механик-ҳайдовчига комиссия томонидан белгиланган нормадан ошириб терган бир тонна пахтаси учун хўжаликнинг мукофот фонди хисобидан 10 сўмдан пул берилади.

Мавсум нормасини 115 процентга етказиб бажарган транспорт тракторлари ҳайдовчиларига ойлик маошининг 15 процентига миқдорида қўшимча ҳақ, 115 процентдан ошириб бажарганда эса ойлик маошининг 20 процентига миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Слесарь-созловчиларга, слесарь-ремонтчиларга механик-ҳайдовчиларнинг мавсум давридаги ўртача даромадларининг [мукофотлар ҳам киради] 70 процентига миқдорида, шоферларга эса 60 процентига миқдорида иш ҳақи тўланади.

Йиғим-терим даврида социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, унинг таъсирчанлигини оширишга ҳам жиддий эътибор берилади. Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар куни, отрядлар ўртасидаги мусобақага эса ҳар беш кунликда якун ясаб борилади. Социалистик мусобақа ғолибларига кўчма Қизил байроқлар, «Қизил вимпел» ва дирекция, партия комитети ва ишчилар комитети томонидан тасдиқланган шартлар асосида мукофотлар бериб борилади.

15 августдан 20 августгача терим-транспорт отрядлари ўртасида пахта теримига қандай тайёргарлик кўрилганлиги юзасидан ўзаро текширув ўтказамиз. Унинг натижаси колхоз йиғилишида муҳокама қилинади.

Механизаторларнинг юксак унум билан ишлашлари учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб берамиз. Терим мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида барча дала шийпонларида сиёсий-оммавий ишларни кучайтирамиз. Бу ишларнинг асосий йўналиши юбилей йили социалистик мажбуриятининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлашга совхоз меҳнаткашларини оммавий сафарбар этишга қаратилади.

Ушбу тадбирлар бригада ва бўлим коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, совхоз дирекцияси, партия комитети, ишчилар комитети ва комсомол ташкилотининг қўшма кенгашида тасдиқланган.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Т. ЖИВКОВ БИЛАН ДЎСТОНА УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда дам олаётган БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков билан 9 август куни Қримда учрашди.

Л. И. Брежнев ва Т. Живков ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикасининг социал-иқтисодий тараққиётига оид актуал масалалар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Улар КПСС билан БКП ўртасидаги қардошлик алоқаларининг самарали характерга эга эканлигини, ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва ўзаро яқинлашув муваффақиятли ривожланаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

БХР партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган расмий визити чоғида эришилган аҳдномаларни амалга оширишга, жумладан ҳар икки мамлакат моддий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида илмий-техникавий ҳамкорликни, ихтисослаштириш ва кооперативлашни янада кучайтириш проблемаларига ғоят катта эътибор берилди. Иқтисодий ҳамкорликнинг ўзаро Иқтисодир Ердам Кенгаши доирасида ишлаб чиқилаётган узоқ муддатли тармоқ программаларини рўёбга чиқаришда Совет Иттифоқи билан Болгариянинг иштирок этиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари юзасидан фикрлашиб олинди. Л. И. Брежнев билан Т. Живков империалистик доираларнинг қаршилик кўрсатишига қарамай, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттирилади ва чуқурлаштиришлари, деб ишонч билдирдилар. Совет Иттифоқи ва Болгария бошқа қардош социализм мамлакатлари билан биргаликда бунинг учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қиладилар. Улар Умумевропа кенгаши қатнашчиси бўлган давлатлар вакилларининг Белградда бўладиган учрашуви Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида Хельсинкида бошланган ишга хизмат қилиши зарур, деган фикрни билдирдилар. Шу муносабат билан яқинда тугаган ана шу учрашувга тайёргарлик босқичида қатнашаётган давлатларнинг асосий кўпчилиги Белград учрашувини конструктив вазиятда, кескинликни юмшатиш руҳида ўтказишдан манфаатдор эканлигини кўрсатганлигидан мамнуният изҳор этдилар.

Л. И. Брежнев ва Т. Живков шимоли-шарқий Африкадаги вазиятнинг кескинлашганлигини ташвишланиб таъкидладилар. Империализм ва реакция кучлари Африка давлатларининг бирлигини заифлаштиришга, уларни бир-бири билан тўқнаштиришга, тараққиётнинг социалистик йўлини танлаб олган мамлакатларнинг позицияларига путур етказишга ҳар томонлама уринмоқдалар. Бундай шароитда можароларнинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик, мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган низоли масалалар тинч воситалар билан, яхши қўшничилик ва антиимпериалистик биродарлик асосларида ҳал этилишини таъминлаш айниқса муҳимдир.

Суҳбатда жаҳон коммунистик ҳаракати проблемалари хусусида ҳам борди, халқларнинг эркин, демократик ва мустақил тараққиёт учун олиб бораётган курашида ана шу ҳаракатнинг роли ўсаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Учрашув самимий, қардошларча руҳда ўтди ва мўҳокама этилган ҳамма масалалар юзасидан фикрларнинг бирлиги вазиятида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва БКП Марказий Комитети биринчи секретари кабинетининг бошлиғи М. Балев ҳозир бўлдилар.


(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 10 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	—	101,5
Оржоникидзе	0,3	100,7
Пискент	0,1	100,5
Оҳангарон	1,0	92,0
Бекобод	0,3	90,2
Юқори Чирчиқ	5,1	88,4
Тошкент	0,1	88,1
Бўка	0,5	86,2
Оққўрғон	—	85,4
Ўрта Чирчиқ	1,5	84,9
Қуйи Чирчиқ	—	84,8
Чиноз	0,3	84,8
Янгийўл	—	75,5
Бўстонлиқ	0,6	72,7
Область бўйича:	1,1	89,8



ОҚҚЎРҒОН районидаги «Ленинобод» колхозининг механизаторлари илғорлар тажрибасидан ўрнак олиб, йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Бу ердаги терим машиналарининг ҳаммаси ремонтдан чиқариб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Суратда: «зангори кема» капитанларидан бир группаси тайёр терим машиналарини кўздан кечиришмоқда.

Х. Аввалов фотоси.

УЧРАШУВ ЯКУНЛАРИ МАЪҚУЛЛАНДИ

БУХАРЕСТ, 9 август. (ТАСС). Руминия Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий ижроия комитети РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескунинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Қримда бўлиб ўтган учрашуви якунларини мўҳокама қилиб, маъқуллади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети атоқли олим, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори, СССР Фанлар академияси вице-президенти вазифасини ижро этувчи, Ленин мукофотининг лауреати, академик Рем Викторович Хохлов 1977 йил 8 августда 51 ёшида тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС Марказий Комитети — СССР Олий Совети Президиуми — СССР Министрлар Совети

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

МАДАНИЯТ ХАЗИНАСИ

АДАБИЙ МЕРОС

Куни кеча китоб магазинларига форс-тожик адабиётининг буюк намояндаси «Саъдий шеъриятидан» деб номланган китобча келтирилди.

Шеърият ихлосмандлари бу улуғ алломанинг ижодидан яхшигина баҳрамандлар. Шайх Саъдийнинг пурҳикматли ҳикояларга тўла «Гулистон» ва «Бўстон» ахлоқий-таълимий асарлари, Шарқ назмида янги даврни бошлаб берган мусиқий ғазаллари инқилобдан олдин ҳам оилаларимизда, эски мактабларда ўқилар, ёд олинарди. Аммо, фақат Совет замонидагина ҳаётлиги давридаёқ Шарқу-Ғарбда машҳур бўлиб кетган шоир ижоди чинакам умумхалқники бўлиб қолди. Саъдий асарлари рус, тожик, ўзбек ва бошқа тилларда қайта-қайта чоп этилди. Хусусан бундан бир неча йил муқаддам «Гулистон» ва «Бўстон» замонавий ўзбек тилида нашр этилиб, қисқа вақт ичида тарқалиб кетганди. Янги китобчада эса ана шу асарлардан шеърий парчалар, шунингдек, ғазаллар, маснавий ва рубоийлар янги таржимада берилди.

Ўрта аср миниатюра санъатининг нодир намуналаридан олинган расмлар билан безатилган «Саъдий шеъриятидан» ўқир экансиз, бошқа бир буюк шоир — Пушкиннинг «Улуғ зотнинг фикрларига эргашиш — ажойиб нарса!» деган сўзлари беихтиёр ёдга тушади. Дарвоқе, Пушкин Саъдийни билган, унинг асарларини ўқиган ва «Боқчасарой фонтани» поэмасига Шарқ шоирининг икки шеърий сатрини эпиграф қилиб олган.

Ҳа, шоир қайси замонда, қайси ўлкада яшаб, ижод қилмасин ўз музасига ҳамоҳанг тароналарни бошқа замон, бошқа мамлакат шоирларининг ижодидан ҳам излай билади, улардан илҳомланади. Пушкин ижоди ҳам кимларни мафтун этмаган, илҳомлантирмаган, дейсиз! Ўзбек китобхонлари рус шеъриятининг офтоби Александр Пушкинни аллақачон ўзларники қилиб олганлар. Унинг ғаройиб эртаклари, ҳаёт завқи-шавқига лиммо-лим тўла шеърлари болаликдан расмли китобчалар, дарсликлар орқали бизга яхши таниш. Кейинчалик ёшимиз улғая боргач, рус прозасининг дурдонаси «Капитан қизи», рус ҳаётининг ўзига хос шеърий қомуси бўлмиш «Евгений Онегин», тарихий поэмалар «Полтава» ва «Лўлилар» каби Пушкин асарларини қайта-қайта қўлга оламиз. Пушкиннинг деярли ҳамма бадиий асарлари ўзбек тилида нашр қилинган, улар республикамизнинг ҳамма бурчакларида севиб ўқилади. Буни яқиндагина бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказилган Пушкинхонлик яна бир карра тасдиқлади.

Замондошларининг хотирлашича, Пушкин жаҳон адабиёти, тарихи, маданияти билан жуда қизиққан, ўз замонасидаги илмлардан яхшигина хабардор бўлган. У Ғарб ва Шарқ адабиётининг намояндалари, каттаю-кичик шоирларининг ижодини беш қўлдек билган. Айниқса, Пушкин жаҳоний драматург Шекспир ижодига жуда юксак баҳо берган, ундан кўп нарсаларни ўрганган. Шунингдек, у янги итальян адабиётининг бошловчиси Данте, буюк немис шоири Гёте асарларини кўп мутолаа қилган.

Биз шуни фахр билан тилга оламизки, эндиликда ўзбеклар ҳам жаҳон адабиёти бу улкан сиймоларининг асарларини яхши биладилар. Шекспирнинг «Гамлет» ва «Отелло», «Юлий Цезарь» каби трагедиялари Ҳамза номли отахон театримиз саҳнасида қайта-қайта ўйналган, улар бутун ўзбек санъати ва маданиятининг гурури бўлиб қолган. Шунингдек, Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Гётенинг «Фауст» трагедияси ҳам ўзбек тилида баралла янграб турибди, улар ўз маънавий мулкимизнинг бир бўлаги бўлиб қолди.

Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи ана шундай кенг жаҳоншумул шуҳрат топган асарлар қаторидан ҳақли равишда жой олган. 1812 йилги Ватан уруши ҳақида ҳикоя қилувчи бу улкан эпопея айниқса Улуғ Ватан уруши даврида кенг ўқувчилар оммасини ўзига жалб қилди. Урушнинг дастлабки йилларда қоғоз жуда тақчил бўлишига қарамай бу роман Москвада юз минг нусхада нашр этилди. Кейинчалик эса романлар гултожи деб тан олинган «Уруш ва тинчлик»нинг тўрттала томи ўзбек китобхонларига туҳфа қилинди.

Биз юқорида ўз она тилимизга таржима қилиниб, маданий мулкимизга айланган улкан адибларнинг шоҳ асарларидан бир нечасинигина тилга олдик. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Чиндан ҳам эндиликда ўзбек китобхонлари Гейне ва Байрон, Шота Руставели ва Тарас Шевченко, Рабиндранат Тагор ва Нозим Ҳикмат, Флобер ва Мопассан, Гоголь ва Тургенев, Марк Твен ва Хемингуэй, Садриддин Айний ва Михаил Шолохов, Мухтор Овезов ва Чингиз Айтматов, Федин ва Расул Гамзатов асарларини яхши биладилар.

Совет замонида маданият, санъат ва адабиёт ҳазинаси ҳамма учун кенг очиқ. Фақат қизиқиш, интилиш, истак, қунт бўлса бас. Буларнинг ҳаммаси ленинча миллий сиёсат, партиямиз маданият соҳасидаги изчил сиёсати амалга ошганлигидан далолат бериб турибди. СССР Конституцияси лойиҳасининг 46- модласида ёзиб қўйилганидек, **СССР граждан-лари маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга-дирлар.** Ана шундай олижаноб ҳуқуқ ҳақидаги модда биринчи марта Асосий қонунимизга киритилганлиги совет кишиларининг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш йўлида давлатимиз қилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

И. СУЛТОНОВ



Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи ишчи-лари юбилейолди меҳнат вахтасида социалистик мусобақани тобора авж олдир-моқдалар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари, юқори малакали мастерлардан В. М. Осипов ва У. Маҳмудовлар зиммаларидаги топшириқни мунтазам оширib бажаришмоқда.

И. Глаубербок ва В. Сиротkин фотоси.

ПИСКЕНТЛИКЛАР ДАЪВАТИГА ҚЎШИЛИБ

Пахтакорлар хаётида долзарб дамлар — «оқ олтин» йиғим-терими бошланишига саноқли кунлар қоляпти. Областимизнинг барча колхоз ва совхозларида юбилей йили ҳосилини тез ва соз йиғиштириб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Зеро, йил бўйи қўли қадоқ деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган пахта ҳосилини оз фурсатда, тўкинсочинга қолдирмай сифатли йиғиштириб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Йиғим-терим кампанияси фақат пахтакорларгагина эмас, балки пахтани қабул қилиб олувчилар, қайта ишловчи саноатчилар учун ҳам масъулиятли синов даври ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Пискент пахта тозалаш заводи коллективининг ташаббуси ниҳоятда қимматлидир. Улар пахта терими кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан муҳим даъват билан чиқишди. Пахта тозалаш заводлари ускуналарини созлаб, қабул пунктларининг тахт қилиб қўйиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир. Буни чуқур ҳис этган Ўрта Чирчиқ районидаги «Қорасув» пахта тозалаш заводи коллективи мавсумни пухта ҳозирлик билан қутиб олиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши корхона ишчи ва хизматчиларини янгидан-янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда. Барча цех ва бригадаларда фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Пахта тозаловчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли давлат планлари ва зиммага олинган мажбуриятлар ортиғи билан адо этиляпти. Шу йилнинг биринчи ярмида 12 миллион сўмлик ўрнига 12.700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниб, план 106 процент бажарилди.

— Пискентлик пахта тозаловчиларнинг Мурожаатини коллективимиз зўр мамнуният билан кутиб олди ва якдиллик билан қўллаб-қувватлади,— дейди завод партия ташкилотининг секретари Фарида Каримова.— Бу ватанпарварлик мурожаатига биринчилар қатори қўшилган заводимиз ишчи ва хизматчилари ремонт ишлари суръатини янада оширишмоқда.

Завод ҳузурида 4 та қабул пункти бўляб, уларга 10 та колхоз, бир ўқув хўжалиги ва бир махсус техника билим юрти ҳосил тоширади. Бу пунктларда жами 33612 тонна пахта тайёрланади. Мавсумда ҳар куни 7—10 процент миқдорда пахта қабул қилинади. Қорасувлик пахта тозаловчилар йиллик планни 20 декабргача адо этиб, планга қўшимча равишда 550 минг сўмлик иш бажариш, ўтган йилга нисбатан 2,5 процент ўсишга эришиш ва маҳсулот таннархини 50 минг сўмга камайтириш юзасидан мажбурият қабул қилишди. Зиммадаги мана шу юксак мажбуриятни бажариш коллективдаги ҳар бир кишининг аҳду-паймонига айланиб қолди.

Ҳозирги кунларда заводда капитал ремонтни тугатиш учун қизғин иш олиб борилаяпти. Тўйтепа пахта қабул қилиш пункти мавсумга тахт қилиб қўйилди. Барча техника воситалари ҳамда майдонлар тўла созлаб қўйилди. Кучлуқ, Чиғириқ пахта қабул қилиш пунктларида ҳам тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

Ҳозирги кунгача қабул пунктларидаги мавжуд 136 майдончадан 130 таси мавсумга тайёрланди. Агрегат ва транспортёрларни сифатли ремонтдан чиқаришда Б. Будник, А. Муҳаммадназаров каби слесарлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Бу йил пахта қабул қилишда биринчи марта уч кишидан иборат зона усулидан фойдаланилади. Яъни, ҳосил қабул қилувчи бригада уч кишидан ташкил топади. Катта товаровед пахтадан намуна олиб, унинг сифатини аниқлайди, иккинчи зонада тележкадаги пахта тортилади, учинчи зонада эса пахтани керакли ерга жойлаштирилади. Ҳосилни бу усулда қабул қилиб олиш ишни тезлаштириши ва ҳар бир ишчидан ўз вазифасига бўлган масъулиятини оширишга кутилмоқда.

Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш учун бошланган мусобақада М. Раҳимова, И. Бойбекова, С. Загитова, М. Фасхиева, А. Абдиев каби ишчилар пешқадамлик қилишмоқда.

И. НЕЪМАТУЛЛАЕВ, Ж. ҚУРБОНБЕКОВ.



Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтининг юзлаб студентлари Тошкент метрополитени қурилишида ўзларининг меҳнат семестрини ўтказишаяпти. Суратда: илғор қурувчи студентлар (чапдан) Клара Иброҳимова, Шуҳрат Тўрақулов ва Гулбаҳор Дўсматова. М. Нурниддинов фотоси.

ТАДҚИҚОТ САМАРАСИНИ ОШИРАЙЛИК

Социалистик Чирчиқ йирик саноат шаҳри бўлибгина қолмай, бу ерда қатор илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ишлаб турипти. Бу муассасалар коллективлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, янги техника ва прогрессив технологияни яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Тадқиқотчилар ва конструкторлар сўнгги йилларда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида саноат ишлаб чиқаришини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор тадбирларни амалга оширдилар. Айни вақтда бирқанча янги асбоблар яратишди, фан ва техника ютуқларини, янги стандартларни ҳамда бошқа илмий-тадқиқотларни жорий қилишда корхоналар коллективларига ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бу соҳада СССР химия саноати Министрлиги автоматлаштириш тажрибаконструкторлик бюросининг Чирчиқ филиали тадқиқотчилари бошқаларга намуна бўлишяпти. Улар химия саноатини ишлаб чиқариши самарадорлиги ва маҳсулот сифатини кўтаришга қаратилган бирмунча тадқиқотларни ниҳоясига етказдилар ва корхоналарда амалга оширдилар. Сўнгги йиллар давомида химия саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг 4 та автоматлашган системасини жорий қилди.

Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмасида завод ишлаб чиқаришини планлаштириш ва ҳисобга олишда фойдаланиладиган автоматлашган системанинг биринчи ва иккинчи навбати ишга туширилди. Бу корхонага жуда катта самара берди. Планлаштириш ишлари ва бажарилган ишни ҳисобга олиш кескин енгиллашди. Бу иш билан шуғулланувчилар сони бирнеча баравар камайди. Биргина ана шу тадбир туфайли кўриладиган иқтисодий самара 800 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Филиал коллективи худди шу масалада Тошкент ламбуёқ заводи коллективига ҳам ёрдам кўрсатди. Заводда бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси биринчи навбати ишга туширилди. Бундан 123 минг сўм иқтисодий фойда кўрилади.

Чирчиқ шаҳрида «Оргпритвердосплав» ихтисослашган ишлаб чиқаришхника бюросининг филиали ҳам ишлаб турипти. Филиал конструкторлари ва тадқиқотчилари қийин эрийдиган металлар ва қаттиқ қотишмалар тайёрлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар. 1974—1977 йилларда Ўзбекистондаги 29 корхонада, шу жумладан областимиздаги 22 корхонада қаттиқ қотишмадан тайёрланган асбоблардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада 7 миллион сўмлик давлат маблағини тежаб қолиш имкони туғилди.

Коллектив томонидан амалга оширилган айрим тадбирлар жуда катта миқдорда фойда келтирмоқда. Масалан, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида пластиналарнинг фақат биргина хилини пресслашда ишлатилаётган қаттиқ қотишмали қолипни қўлланиш натижасида 64 минг 410 сўм иқтисодий самара олинди. Филиал кейинги тўрт йил ичида вольфрамсиз қотишмалардан жуда аниқ қирралари чархланмайдиган пластиналари тайёрлашни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатига бир ярим миллион дона мослама берди. Бу корхонада қатор ишлаб чиқаришларни такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини бирмунча яхшилашга олиб келди.

Бутуниттифоқ трансформаторсозлик институтининг Чирчиқ бўлимчаси тадқиқотчилари ва конструкторлари ҳам трансформаторлар қувватини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратилган жуда кўп тадқиқотларни амалга оширмоқда. Айниқса, 1970 йилдан кейинги тадқиқотлар натижаси яхши бўлмоқда. Чунки, улар юксак сифат категорияси талабига жавоб беряпти. Бу ўз навбатида Чирчиқ трансформатор заводида маҳсулот сифатини кескин яхшилашга олиб келяпти. Ҳозирги вақтда трансформатор заводида тайёрланаётган маҳсулотнинг 52—55 процентга давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган экан, бунда бўлимча коллективининг ҳам катта хизмати бор. Чунки, тадқиқотчилар конструкторлик ишлари олиб боришда трансформатор заводи коллективи билан яқин алоқада бўлмоқдалар.

Лекин, Тошкент область халқ контроли комитети ўтказган текширув натижалари шаҳардаги илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари фаолиятида қатор камчиликлар борлигини ҳам кўрсатди. Бу, айниқса, Бутуниттифоқ қийин эрийдиган металлар ва қаттиқ қотишмалар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти Чирчиқ филиали ишида кўзга яққол ташланмоқда. Филиал фаолиятида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар содир бўлаяпти. Чунки, бу ташкилот раҳбарлиги илмий-тадқиқотларнинг самарасини ошириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштириш соҳасида етарли активлик кўрсатмаяпти.

Шунинг учун ҳам планларга киритилган қатор темалар техник-иқтисодий жиҳатдан асосланмаяпти. Ваҳоланки, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишлари олиб боришда бундай аҳволга умуман йўл қўйиш мумкин эмас. Бунга қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1975 йилда 12 та теманинг бештаси, 1976 йилда эса 13 та теманинг саккизтаси техник-иқтисодий асосланмасдан илмий-тадқиқотлар планига киритилган.

Бу соҳада Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати раҳбар ходимлари ҳам бепарволикка йўл қўйишяпти. Улар зарур даражада ҳисоб-китоб қилмасдан туриб, жорий қилинган темалар бўйича амалда олинмаган самара ҳақида справкаларни ёзиб бераверишган. Масалан, 8-цехда янги технологик жараённи қўллаш натижасида 1975 йилда 311,5 минг сўмлик самара кўрилди, деб акт тузилган. Аслида эса бундай бўлмаган. У 1976 йилда 19 минг сўмни ташкил этган. Шундай қилиб, қўшимча олинган фойда 290 минг сўмлик ошириб ёзилган. Бу кўзбўямачиликнинг ўзгинасидир. Айрим темалар бўйича амалда қилинган ҳаражатлар уларнинг пландаги смета қийматидан ортиб кетган. Масалан, 1974 йилда илмий-тадқиқот ишлари плани бўйича қилинган ҳаражатлар смета қийматидагига нисбатан 131 минг сўмлик, 1975 йилда эса 29 минг сўмлик ортиқ бўлган.

Айрим ишларнинг актуаллиги ҳисобга олинмасдан тематик планларга киритилаверишн оқибатида бу ишлар кўп ҳолларда тугалланмаган, айримлари эса тамомила фойдаланилмаган. Масалан, 1975 йилда 2 та, 1976 йилда иккита тема умуман охирига етказмасдан тўхатиб қўйилган. Ваҳоланки, уларни ишлаб чиқиш учун 1976 йилда 152,5 минг сўмлик маблағ сарфланган. Айрим темалар ишлаб чиқаришга жорий қилинган деб акт тузилган, аслида эса улар амалда қўлланилмаяпти. Бунинг оқибатида кўп миқдорда зарар кўрилмоқда.

Филиал Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳал қилиш билан шуғулланаётган қатор масалаларни ечишда иштирок этмаяпти. Моддий-техника таъминоти ҳизмати иши ҳам кўпгилдагидек эмас. Филиал лабораторияларида замонавий асбоб-ускуналар, приборлар, улар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, материаллар етишмаяпти. Бу бажарилаётган иш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари филиалда иш вақтининг бекор ўтишига ҳам йўл қўйилмоқда. Молия ва меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари содир бўляпти.

Область халқ контроли комитети аниқлаган бу ва бошқа шундай камчиликларни бартараф этиш, шаҳардаги илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва коллективларининг фаолиятини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгилади.

М. МИРҲАМИДОВ.

БАХТИЁР КЕКСАЛИК

Совет Иттифоқида бу йил соцнал таъминот ва социал страхование маблағлари 37,1 миллиард сўмни ташкил этадики, бу мамлакат давлат бюджетининг қарийб олтидан бир қисмига тўғри келади. Ана шу мақсадларга сарфланадиган маблағлар ўтган йилдагига нисбатан 2,2 миллиард сўм кўпайтирилади.

Совет гражданлари қариган чоғда, меҳнат қобилиятини йўқотганларида ёки касал бўлиб қолганларида уларни моддий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида давлат ғамхўрлиги бутун совет халқининг фаровонлигини янада ошириш тўғрисида партия программасини амалга оширишнинг таркибий қисмидир, деди РСФСР социал таъминот министри Д. П. Комарова ТАСС мухбирига.

Ҳозир Совет Иттифоқида 46 миллион пенсионер борки, бу социал таъминотнинг умумий характеридан далолат беради. СССР янги Конституцияси лойиҳасида бу соҳада эришилган муваффақиятлар ўз ифодасини топган.

Совет Иттифоқида пенсия таъминоти системаси ҳамиша ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Россия Федерациясининг ўзидагина тўққизинчи беш йиллик мобайнида социал таъминот ҳаражатлари бир ярим баравар кўпайди. Мамлакатда ана шу вақт мобайнида 24 миллион кишининг пенсияси оширилди. Учинчи беш йилликда ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг минимал пенсиялари миқдорини янада ошириш кўзда тутилган.

Советлар мамлакатида пенсия тамомила давлат ва жамоат маблағлари ҳисобидан тўланади. Совет Иттифоқида 60 ёшга тўлган ҳар бир эркак, 55 ёшга тўлган ҳар бир аёл тегишли меҳнат стажига эга бўлган тақдирда кексайганида моддий таъминот ҳуқуқига эгадир. Мамлакатнинг бир қанча саноат тармоқлари ва зоналаридаги ишчилар ҳамда хизматчилар, уруш инвалидлари ва кўп болали оналар учун пенсия ёши белгиланганидан 5—10 йил олдинроқ бошланади.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАГА

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси Зоя Ивановна Побединская ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. У ана шундай рекорд иш унумига қандай эришганлиги тўғрисида илғор тажриба мактабининг навбатдаги машғулотида гапириб берди. Бу заврдорнинг иш усуллари кўпгина ишчиларни қизиқтирди. Чунки Побединская нормадаги 8 ўрнига айни бир вақтда 24 станокка хизмат қилмоқда.

Энг яхши ишчилар, инженерлар, техниклар билан ана шундай учрашувлар, суҳбатлар, комбинат касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ана шундай машғулотлардан кўзда тутилган мақсад — илғор тажрибани ёйиш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенгайтиришдир.

ДАМ ОЛИШ УЧУН ТОҒЛАРГА

Оржоникидзе районидаги «Меҳнат» колхозининг саб-завотқорлари ҳосил йиғиштириб олинаётган ана шундай долзарб пайтда ҳам соз дам олиш учун имкониятга эга-дирлар. Хўжалик касаба союз ташкилоти ана шу ҳақда ғамхўрлик қилди. Колхозчилардан бир группаси Чоткол тоғларидаги Сижак посёлкасига ёки Наволисой қишлоғига икки кунлик дам олиш учун ҳафта сайин бориб туради. Улар бу ерда, дам олиш учун махсус жиҳозланган уйчаларда шанба ва якшанба кунларини ўтказадилар. Дам олишни ана шундай ташкил этишда давлатга сабзавот ва картошка топширишни кунига ўн тонна кўпайтиришга ёрдам берганлигини практика кўрсатди.

«РЕВОЛЮЦИЯ ҚУШИҒИ»

«Ташкенткабель» заводининг маданият саройида ўтказилган кеча «революция қўшиғи» деб аталди. Поэзия ҳавескорлари клуби ташкил этган бу кеча Эдуард Багрицкий ижодига бағишланди. Ёш ишчилардан Сергей Медведев, Ирина Кам, Юрий Голубев ва бошқалар адабий-мусиқали композиция тайёрладилар. Бу композицияда шоирнинг шеърлари ва қўшиқлари янгради. Кеча қизғин мунозара билан тугади.

Завод касаба союз ва комсомол активларининг ташаббуси билан бундай учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Бундай кечаларни ўтказишдан мақсад — ёшларни совет ва чет эл адабиётининг энг яхши асарлари билан таништиришдир.

[ЎзТАГ].



БУҚА районидаги Фрунзе номли колхоз механизаторлари пахтадан ва полиз экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Суратда: [чапда] термм мавсумида «зангори кема» бункеридан 160 тонна «оқ олтин»ни тўкишга сўз берган илғор комсомол аъзоси А. Салимов, У ўзи ремонт қилган машинанинг ишлашини синаб кўрмоқда, [ўнгда] полизчилик бригадасининг бошлиғи И. Эшонқулов ва колхозчи Т. Имомов. [пастда]. Кундалик нормасини 1,5 баробар қилиб бажараётган илғор сувчи Э. Мирзаев.

И. Зайнутдинов фотолари.

ҚОЛОҚЛИК ҚАЧОНГАЧА

Қачон қараманг, қабулхона одамларга тўла. Директор вазифасини бажарувчи Шандровскийнинг боши қотган. Уларга нима деб жавоб беришни билмайди. Шартнома шартлари бажарилмагандан кейин бир нима дейишга ҳам киши уялар экан.

Ўтган йили комбинат маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш планини бажаролмади. Бу йил эса ялпи маҳсулот бўйича ҳам, турлар бўйича ҳам топшириқлар оймаъой адо этилмаяпти. Истеъмолчилар эса бўзчининг мокисидек комбинатга қатнашгани-қатнашган. Ахир, курувчиларнинг ҳам плани бор. Уларга цемент керак. Комбинат раҳбарлари эса истеъмолчиларга зарур бўлган цементни етказиб беролмай ҳаммани оворагу-сарсон қилмоқдалар.

— Айб бизда эмас, ҳом ашё юборувчи корхоналарда,— деб ўзини оқламоқчи бўлади Оҳангарон цемент комбинати директори вазифасини бажарувчи Шандровский.— Улар ўртамиздаги шартномани бузишяпти, зарур ҳом ашёларни ўз вақтида етказиб беришмаяпти. Таъминотчиларимиз командировка билан неча ҳафталаб иттифоқнинг турли шаҳарларида бўлиб келишяпти. Командировкалар учун бизнинг қанчадан-қанча пулимиз кетяпти.

— Хўш, ўша командировкаларнинг самараси қандай бўлаяпти?

Шандровский индолмай қолди. Чунки ишда ўзгариш йўқ эди. Ҳом ашё вақтида етиб келмаяпти, деган баҳона билан комбинатда цемент ишлаб чиқариш ой сайин камайиб бормоқда.

Янгийўл шаҳридаги «Нормаль» заводи ҳам истеъмолчиларни сарсон қилишда Оҳангарон цемент комбинатидан қолишмаяпти. Завод ўтган йили кўзланганидан 200 тонна кам метиз ишлаб чиқарган эди. Бу йил ҳам корхона цехлари сув кўйгандек жимжит. Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар деган қабилда иш тутилаётганлиги учун ҳам ўтган ойларда «Нормаль» заводи билан шартнома тузган 42 та корхонага 135 тонна маҳсулот кам етказиб берилди. Турлар бўйича белгиланган топшириқлар неча йиллардан бери бажарилмай келаяпти.

Узбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи каби корхоналар ҳам шартнома интизомини мустаҳкамлашга, келишилган шартларни ўз вақтида бажаришга эътиборсизлик билан қараяпти. Бу ишга назоратчилар аралашгандан сўнг корхоналар ўртасида тузилган шартномаларнинг сўзсиз бажарилишига ёрдам берувчи тадбирлар белгиланди.

Д. НАСРИДДИНОВ.

ЯНГИ ТЕХНИКА

Бу хабарни «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг бош инженери Б. Р. Сандлер шарҳлайди:

Шу поток линияда Тошкентдаги бош корхонамиз маркази бор. «ПЛПХ-А» ва «ПЛПХ-Б» деб белгиланган бу машиналар комплекти пахтакорларга биринчи бор топширилди. Шуларнинг биринчиси тола узунлиги ўртача пахтани ишловдан ўтказади. иккинчиси эса ипак пахтани ўтказади. Бугунги кунгача бирлашма инженерлари ясаган 11 та шундай серунум машина-ускуналар комплекси Узбекистон билан Туркманистонда ўрнатиб чиқилди.

«ПЛПХ» линияларида биринчи бор пахтани қайта ишлаш ҳамма технологик босқичлари умумий пультдан туриб бошқариладиган ва бир жойда ўрнашган машиналар битта комплекс қилиб бирлаштирилган. Шундай қилиб, конструкторлар пахтани бир машинадан иккинчисига ўтказувчи транспортёр, шнек каби ҳар хил қурилмаларни технологиядан чиқариб ташлашга муваффақ бўлдилар. Бу нарса учта муҳим наф келтирди. Биринчидан, пахтани ташиш вақтида вужудга келувчи тугун, буралиб қолиш каби майда нуқсонлар анча камайди. Иккинчидан, цехларда ҳаво анча тоза бўлиб қолди, чунки «чанг кўтарадиган» узеллар камайиб кетди. Учинчидан, мана шу транспортёрлардан воз кечиш жуда кўп металлни тежайди.

«ПЛПХ» линиялари иш унуми бирдай бўлгани ҳолда анча кам хизмат ходимлари билан ишлайверишини айтсак, синов якунлари бўйича давлат комиссияси янги техникани кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилганлигининг сабаби равшан бўлади кўзда.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси ҳамма пахта заводларига шундай янги техникани кўплаб етказиб беришга тайёр.

(ЎзТАГ).





ТОШКЕНТ заргарлик заводи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Суратларда: (юқоридан пастга) заводнинг илғор ишчиларидан А. Шевцова ва Н. Зарипова.

Г. Саматова фотолари.

ДУНЁ ОВОЗИ
Чет эл хабарлари

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ВА ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ РУҲИДА

БОНН, 9 август. (ТАСС). ГФР социалистик мамлакатлар билан тузилган шартномаларни ва Умумевропа кенгашининг якунловчи актини начил амалга ошириши, қуролланиш пойгасига чек қўйиши ва ҳарбий ҳаражатларни камайтириши, Марказий Европада қуролли кучлар ҳамда қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокараларга ижобий ҳисса қўшиши, антикоммунизм, миллатчилик ва «касблар бўйича тақиқлаш» сиёсатидан воз кечиши керак. «Штукенброк учун гуллар» ишчи жамиятининг мамлакат аҳолисига қилган мурожаатида шу ҳақда гапирилади. ГФРдаги ана шу ташкилотга жамоатчилик вакиллари, ёшлар, олимлар, руҳонийлар аъзо бўлиб кирган. Улар шу йил 3 сентябрда Штукенброк шаҳрида анъанавий митинг ўтказишга чақирдилар. Шу шаҳардаги қабристонга фашизм асоратида ҳалок бўлган 65 мингдан зиёд совет гражданининг хоки кўмилган.

Ишчилар ва хизматчилар, профессорлар ва руҳонийлар, касаба союз. ёшлар ва студентлар ташкилотларининг активлари, сиёсий партияларнинг аъзолари имзо чеккан бу мурожаатда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: «Бу йил Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллигини байрам қиладиган Совет Иттифоқи халқимизни фашизмдан озод қилиш учун курашда жуда кўп қурбон берди».

Улар ўқтириб ўтганидек, Штукенброк қабристони тинчлик, қуролсизланиш, демократия ва бирдамлик сиёсатини амалга оширишга чорлайди.

Штукенброкда «Тинчлик, қуролсизланиш ва демократия» шиори остида ўтказиладиган митингда қатнашиш учун Европадаги турли мамлакатларнинг вакиллари таклиф этилди.

ХАТАРЛИ ЙЎЛ

ВАШИНГТОН, 9 август. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Картер нейтрон қуроли ишлаб чиқариш учун «кенг йўл» очиб берди. У «жамоат ишлари программаси»га маблағ ажратиб бериш тўғрисидаги қонунни имзолади. Нейтрон қурол ишлаб чиқариш учун ажратиб бериладиган маблағлар шу программага киритилган. Бу программанинг умумий қиймати 10,4 миллиард долларни ташкил этади. Бу маблағларнинг қандай қисми ана шу ажал қуролини ишлаб чиқаришга сарф қилинажаги тўғрисидаги маълумотлар гоят сир тутилмоқда.

Шу тариқа, Ж. Картер маъмуриятн қуроллаиш пойгасини кучайтириш йўлида янги катта қадам қўйди. Бу маъмурият Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам, бутун жаҳонда ҳам жамоатчилик фикрининг норозилигини назар-писанд қилмай, ядро қуролининг янги турлари ва янги типларини вужудга келтириш ҳамда кўпайтириш йўлига ўтди. Бундай ҳаракатлар бу маъмуриятнинг тинчлик ва қуролсизланиш манфаатларини кўзлаб айтган дабдабали сўзларига зид эканлиги тамомила аёндир. Ж. Картер президент лавозимига ўтган чоқда ядро қуролларининг ҳаммасини тугатиш тўғрисида ваъда берган эди. Бундай ҳаракатлар ана шу ваъдага ҳам тамомила хилофдир.

Ҳозирги вақтда нейтрон бомба ишлаб чиқаришга «кенг йўл» очиб берилди. Нейтрон боеголовка ва бомбалари ядро қуролининг янги тури бўлиб, кучайтирилган радиация ёрдамида кишиларни ёппасига қириш учун мўлжалланган. Шу сабабли у инсонпарварликка ашаддий душман бўлган энг ваҳшиёна қуролдир. Америка жамоатчилиги ва бутун жаҳон жамоатчилиги бу қуролни ҳақли равишда инсоният учун жуда ҳатарли қурол деб ҳисобламоқда.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **КОПЕНГАГЕН.** Данияда «Цирк саҳнада» совет артистлари труппасининг гастроллари гоят муваффақиятли ўтмоқда. Бу гастроллар «Дания—СССР» жамиятининг ташаббуси билан уюштирилди. Дания пойтахти аҳолиси севиб дам оладиган шаҳар атрофидаги «Бакконе» паркида совет артистлари берган томошаларни 50 минга яқин киши келиб кўрди. Ютландия, Фин оролларн ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари аҳолиси ҳам «Цирк саҳнада» труппаси коллективининг ижоди билан танишади.

● **КАРАКАС.** Кейинги тўрт йил ичида Венесуэлада шу қадар кўп олий ўқув юрти ташкил этилдики, шу асрнинг бошидан буён бу қадар кўп олий мактаб очилмаган эди. 1972 йилда мамлакатда атиги 27 олий ўқув юрти бор эди. Ҳозирги пайтда эса уларнинг сони элликтадан ошиб кетди. Венесуэла маориф министри Карлос Рафаэль Сильва шу тўғрида журналистларга хабар берди. 1955 йилда мамлакатда ҳар бир минг кишига 1,3 студент тўғри келар эди, орадан йигирма йил ўтгач Венесуэлада яшовчи ҳар бир минг кишига 18,7 студент тўғри келди.

● **КАНБЕРРА.** Атом бомбаси ташланган Хиросима ва Нагасаки фожиасининг 32 йиллиги муносабати билан Австралиянинг энг йирик шаҳарларидан Мельбурн ва Сиднейда оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Мамлакат жамоатчилиги вакиллари Австралия уранидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қарши норозилик билдирдилар ва Австралия урани ғарб мамлакатларига экспорт қилинмасин, деб талаб этдилар. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Мельбурнда 15 минг кишининг иштироки билан ўтказилган норозилик намойиши Вьетнамдаги уруш тамом бўлган пайтдан буён энг йирик намойиш бўлган.

● **ЛУСАКА.** Замбия пойтахтида саноат ва қишлоқ хўжалик виставкаси очилди. Замбиядаги 120 компанил ва ташкилот ўз маҳсулотини шу виставкага қўйди. Виставкада чет мамлакатлар ҳам қатнашмоқда.

Виставкадан кузатилган асосий мақсад — республика экономикаси давлат секторининг муваффақиятларини намойиш қилишдир. Виставканинг биринчи кунидёқ мукофотларнинг кўпчилиги Замбия саноат тараққиёти давлат корпорациясининг экспонатлари учун берилган.

(ТАСС, 9 август).



ЮГОСЛАВИЯ Федератив Социалистик Республикасининг пойтахти — Белград шаҳри тобора кўркамлашиб бормоқда. Суратда: шаҳар марказидаги Карл Маркс ва Фридрих Энгельс майдонини кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.

ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ОҒИР ҚИСМАТИ

РИМ, 8 август. (ТАСС мухбири). Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган универсал магазинининг чиройли пештахтаси олдида анчадан буён юпун кийинган қария турибди, Магазинда моллар кўп, лекин уларнинг кўпчилигини олай деса қурби етмайди. У макарон ва бир парча арзон маргарин харид қилиб, ҳақ тўлаш учун майда чақаларни анчагача санаб турди. Шаҳарнинг бошқа озиқ-овқат магазинларига нисбатан нирх бирмунча арзон бўлган «супермаркет»ларда эрталаб ана шундай манзарани тез-тез кўриш мумкин. Бир амаллаб тирикчилик ўтказиш учун ҳар бир лирани тежаб-тергаб сарфлайдиган кўпчилик харидорлари, пенсионерларни ана шу соатларда учратиш мумкин.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича қараганда, миллион-миллион италиялик пенсионерлар ана шундай оғир аҳволда кун кечирмоқда. Италия пенсионерлар федерациясининг маълумотларига қараганда, қарийб 1 миллион киши шунчалик кам пенсия оладики, аслини олганда бу пенсия билан тирикчилик қилиш мумкин эмас.

Кейинги пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол молларининг нархи тўхтовсиз ортиб бораётганлиги оқибатида пенсияга кун кечирадиган кишиларнинг турмуши айниқса мушкуллашди. Иш шунгача бориб етдики, деб таъкидлайди газеталар. бир дона совун ёки бир пачка сигарет олиш кўпчилик учун амри маҳол бўлиб қолди.

Италиянинг демократик жамоатчилиги пенсияга чиққан кекса меҳнаткашларга тузукроқ кун кечириш учун шароит яратиб берилишини таъминлаш мақсадида тегишли талабларни тезда амалга оширишни кескин талаб қилиб чиқмоқда.

ДЕНГИЗ ЛОЧИНИ

Л А В Ҳ А

КЕЧА ҳунар-техника билим юртидаги учрашувдан кейин Эркин аканинг кўнгли бузилиб кетди. Ўсмирлар ҳар нарсага қизиқувчан бўлади. Ўзи ҳамма ҳарбийларга хос камгап эмасми, учрашувга бораётиб ҳаяжонланган эди. Хотираларини гапириб беришдан эмас, гапиролмасликдан. Йўқ, йигитлар ва қизлар қўйишмади —савол устига савол бераверибоз ичидаги бор гапни суғуриб олишди...

— Учрашувларингиз ҳам жуда кўпайиб кетди-да,— деди хотини Ойгул опа ёқимли норози оҳангда саҳарда ишга отланаётиб. Шунда Эркин ака кечаси кеч қайтганини, безовта бўлмасин деб хотинини уйғотмаганини эслади. Ҳозир бирон нима деб унинг кўнглини олиши, шу билан ўзининг ҳам «гуноҳини» ювиши керак эди.

— Учрашувга болалар, ўқувчилар ҳузурига борялпман,— деди у уйқу аралаш гудранган овозда,— тайёқ бераверсанг бошқа учрашувга ҳам кетиб қоламан...

Ойгул опа беозор ҳазилга жавобан жилмайиб қўйди. Эри ухлаб қолди...

...Жанговар тревога! Кимдир «подъём!» дея қичқирди. Қўнғироқ узун-узун жиринглади. Эркин ака бошини даст кўтарди ва... ўз уйида ётганини кўрди. Эшик қўнғироғи яна бир марта жиринглади. Эркин ака асабийлашди, қатиқчи қиз бўлса боплаб уришаман деган ҳаёлда пижамасини кийди.

Остонада почтачи бола турарди. У хат узатди.

— Пастдаги қутига ташлаб кетавермайсанми?— энди у анча юмшаган эди. Ўзидан кичикларга сансираб гапириш эса унга ҳарбий мерос, шуни тўғри деб билади.

— Бундай хат қутига ташланмайди,— деди бола ва ишчан ҳаракатда унга дафтар узатди:— мана бунга қўл қўйиб юборинг.

Болага раҳмат айтиб эшикни ёпди, шошапишта Севастополдан келган хатни очди. Унда запасдаги II ранг капитани Эркин Умарович Акрамхоновга «Қизил Байроқли Қора денгиз флотининг ветерани» деган ном берилгани ёзилган эди!

Эртасига ветеранлик нишони ҳам етиб келди. Энди у учрашувларга ҳарбий мукофотлари ёнига яна битта олтинранг ялтироқ юлдуз нишони тақиб боришини кўз олдига келтирди. Ҳарбий хизмат ва бу хизматни унутмаганликларини ўйлаб, қалби фахр туйғуларига тўлди.

Хаёлан хотиралари кўз олдида олдинма-кейин гавдалана бошлади...

Уруш йиллари Одесса ҳарбий денгиз мактаби Фарғонанинг Қува с о й и га кўчиб борди. Ўн олти ёшли Эркин ҳам ўнлаб ҳамқишлоқ ўртоқлари қатори мактабга ўқишга кирди. 1948 йилда ҳам В. Фрунзе номли Ленин орденли ва Қизил Байроқли Ленинград Олий ҳарбий-денгиз билим юртини.

— Билим юртини бир неча киши тугатдик,— дея эслайди Эркин Умарович,— шундан юз кишини Қора денгиз флотига жўнатишди. Одессага борсак, биз учун белгиланган группа Руминияга кетибди. Катерга ўтириб етиб бордик. Кейин Болгария, Севастополь ва яна Одесса...

Эркин Умарович беш йил тралшчикда хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши тугаган бўлса ҳам, унинг даҳшатли асоратлари ҳали ҳар қадамда учраб турарди. Фашистлар ер юзасини яксон қилибгина қолмай, сув остига ажал уруғини қўмиб кетишди. Бу «уруғлар» истаган пайтда «кўкариб» чиқиши ва одамларни ҳалокатга гирифтор қилиши мумкин! Ер юзасидаги жароҳатларни тугатиш бирмунча осон, чунки улар кўзга кўриниб туради, лекин сув остидаги ҳали ўзининг қирон келтирувчи «миссиясини» бажармаган миналарни қидириб топиш жуда, жуда мушкул иш. Ҳар қанча мушкул бўлмасин уларни топиш, бешикаст қилиб яксон этиш зарур эди. Эркин Умарович мана шу оғир ва шарафли вазифани бажарган шоили Совет денгизчиларининг бири!..

Ярим кечада хабар келди: «Гиленжек қишлоғи яқинида сув юзида мина сузиб юрибди!».

Жанговар тревога! Дақиқа ўтмай команда аъзолари кийиниб бўлди. Ўн минут ичида катер кўрсатилган жойга равона бўлди. Денгизда шторм! Штормда симлари узилиб кетган мина сув юзасига қалқиб чиққан. Ярим кеча. Денгиз асов тўлқинланади. Шу шароитда коп-қора тусли минани топиш осон бўлмади. Кўрсатилган жойда роса тўрт соат қидиришди. Ниҳоят, тонг ёриша бошлаганда минанинг «шохлари» кўзга ташланди. Бу— якорли мина эди. Энди вазифа узоқдан туриб уни яксон этиш!

Минанинг тўрт томонини айланиб тўпдан роса ўққа тутилди. Қани энди биронтаси тегса. Масофа олис, шиддатли тўлқин «ажал бочкаси»ни дам ўққа, дам буёққа итқитади, гоҳ кўринib-гоҳ кўринмай кетади. Иккита шиша банка бир-бирига тўнкарилган шаклдаги минанинг атиги учдан бир қисми сув юзида. Яқинроқ бориб бўлмайди, ўқ тегиб мина портлаганда катерга ҳам шикаст етиши мумкин.

Эркин Умарович ўша пайтда штурманликдан энди командирлик вазифасига тайинланган, ҳарбий унвони ҳам бир погона юқори — старший лейтенант бўлган эди. У бекорга исроф бўлаётган снарядларга ачинди. Унинг устига, минани тўп билан яксон этиш гумон кўриниб қолди. У команда берди:

— Отиш тўхтатилсин! Шлюпка сувга туширилсин! Шлюпкага (қайиққа) 6 киши ўтирди.

Улар дақиқа сайин «ажал бочкаси»га яқинлашиб боришмоқда. 300 килограмм оғирликдаги якорли (шохли) минани Қора денгиз тўлқинни писта пўчоқдек ўйнаяпти! Қайиқ билан яқинроқ бориб кўринг-чи! Бир-бирига урилса-тамом!

Вазифа эса ўша минанинг маҳсус провод-сим билан жилов солиш. Шох ҳаракатга келганда — мина портлайди! Шундай ишланган. Ялпи, сув юзида сузиб кетаётган пароходнинг таг қисми доира шаклида минанинг қорнига айлана ўрнатилган шохнинг биронтасини тўртиб юборишни кифоя...

Эркин Умарович эшкак эшишни энг эпчил ва маҳоратли экипаж аъзосига топширди. Ўзи симнинг учини қўлга олиб жилов-илмоқ ясади. Қайиқни мина томон силгандек магнитли ва якорли миналарга таъсир этади: ё магнит майдонига тортилади, мина тралшчикнинг ортида, ёки якорли минанинг 6 та шохидан биттасини илади ва олисда портлайди...

Гоҳида бир участкада бир «йўл»дан ўн-ўн беш марта такрор қатнашга тўғри келади. Чунки душман кўпинча рақибининг тралшчикларини ҳам ҳисобга олади ва якор 15—20 марта айланганидан кейингина мина портлайдиган ҳолатга қўйишади. Демак, минага тегиб ўтган пароходларнинг ўн олтинчиси ёки йигирма биринчиси портлайди. Тралшчиклар 15 марта бир «йўл»дан такрор қатнаб тозалаган участкада шу «йўл»дан ўтган йигирма тўртинчи пароход портлагани ҳодисаси ҳам бўлган...

Тралшчикларнинг минани портлатиши эса сон-саноқсиз эди. Битта мина портлагач зарядли сим барабанга ўраб тортиб олинади, назоратдан ўтказилади, шикастланган жойи бўлса улаб, бўлмаса шундоқ ўзини янз сувга ташлаб йўлда давом этиладеради...

Қуруқликда йўл топиш осон. Сувда қирғоққа яқин жойда ҳам йўл топиш қийин эмас. Бироқ, чексиз-чегарасиз денгизда фақат харита билан маршрут белгиланади.

— Азоб денгизида жанговар топшириқ билан 3 та тралшчикда кетаётган эдик,— дея ҳикоя қилади Эркин ака.— «Йўл» тозаланган. Гидрографларнинг берган харитасида ҳам, бошқаларида ҳам бу маршрут топ-тоза. Аммо... параллел кетаётган учта тралшчикнинг ўртасидагиси гурсиллаб бир нимага урилди!.. Ишдан чиқди, суд-раб олиб кетдик.

Роса титкилаш бошланди. Бундан (ўша даврдан 20 йил олдин тузилган қандайдир бир эски харитада худди шу ерда учта харсанг борлиги кўрсатилган экан. Денгизда шунақа воқеалар ҳам учраб туради...

Эркин Умарович беш йил мобайнида тралшчикда Қора денгизни «титкилаб», фашистларнинг қанчадан-қанча миналарини тутиб яксон қилди. Бизнинг ва бошқа қардош мамлакатлар кемаларининг бехатар қатнови учун йўл очиб беришда актив қатнашди. Ҳар бир дақиқасида шахсий ҳаёти ҳавф остида қолиши мумкин бўлган бу йилларнинг ҳар бир куни жасоратга тўлиқ!..

Эркин Акрамхонов кемасозлик корхоналарида узоқ йил хизмат қилди. Қарқ беш ёшида пенсияга чиқиши лозим эди. Лекин у севимли касбидан ажралолмади, қирчиллама йигит ёшида пенсияга чиқишни ўзига эп кўрмади. Илтимос билан ариза ёзди. Яна беш йил ҳарбий хизматда қолдиришди.

Ниҳоят, 1975 йилда II ранг капитани ҳарбий унвони билан запасга бўшатилди. Ўқиш даврини ҳам қўшганда роса ўттиз йил ҳаётини ҳарбий-денгиз флотига бағишлади...

— 1968 йилда билим юртини битирганимизнинг 20 йиллигини нишонлаш учун Ленинградга йиғилдик,— дейди Эркин ака.— «Восток» ресторанида дабдабали зиёфат бўлди. бир неча киши оромизда йўқ... Қолганлардан 80 киши II ранг, 20 киши I ранг капитани ва уч киши Адмирал...

Худди шу вазиятда у кўзимга янада улуғворроқ кўриниб кетади. Одатда, одам ташвиш ва армон билан, демакки, келажакка интилиш, парвоз қилиш иштиёқи билан гўзал шеърларда... Бу одам ҳам, шунча ҳизмат қилиб, шундай юқори ҳарбий унвонга эга бўлиб ҳам ҳаётининг аллақаеридан қониқмаяпти, мен шунақа одаммаи, деб кўкрагига урмаяпти.

Одамнинг гўзаллиги шунда бўлса керак...

Эркин ака ҳаётининг ўша ўзи қониқмаган жойини гражданлик, яъни ноҳарбий ҳаёт вазифасида тўлдирмоқда.

— Мен ёрдамчим Эркин Умаровичнинг ишидан ниҳоятда миннатдорман,— дейди Ўзбекистон ССР Балиқчилик Давлат Комитетининг раиси Абдураҳим Маҳмудов ҳамон ҳарбийча қатъий интизомли, вазифасини сидқидилдан бажаришда бошқаларга ўрнак. Хуллас, ўзига хос характер...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.



МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Яқинда Тельман номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар пионер лагерларида дам олаётган пионер ва ўқувчилар билан шоир ва ёзувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Н. Умаров «Мирҳамад ва Архимед», «Камалак», Н. Красильников «Рассом», «Учувчи сичқон», «Туялар ҳақида» каби бахтли болалик, тиниқ осмонни тараннум этувчи шеърларини ўқиб беришди.

Б. ҒАНИЕВ.

СТУДЕНТЛАР АНСАМБЛИ ШАҲАР КЕЗАДИ

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети маданият саройининг очилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо бу даргоҳ университет студентларининг севимли масканига айланиб қолди. Университетнинг «Ер-ёр» ансамбли репетициясида бўлдик.

— Ансамблимиз қисқа вақтда тилга тушиб қолди. Яқинда ўтказилган «Биз интернационалистлармиз» номли республика ҳамда Бутуниттифоқ университетлари ва «Ёш овозлар» деб аталган республика конкурсларининг лауреати бўлдик, — дейди ансамбль солисти Т. Губанова. — Бундан ташқари ансамблимиз 1976 йилда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Иваново, Ярославль, Вологда областларидаги зарбдор комсомол қурилиш бунёдкорларига концертлар қўйиб берди. Сафар давомида репертуаримизни янги куй ва қўшиқлар билан бойитдик.

— Айни кунларда ансамблимиз сафарга шайланмоқда, — дейди ансамбль раҳбари В. Савинова. — Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида меҳнат қилаётган комсомол студент қурилиш отрядларига концерт бериш ниятида гастрол тараддудини кўряпмиз.

С. ФАҲРИДДИНОВА.



Республикамиз пойтахтининг Чилонзор районида замонавий ремонт ва созлаш асбоб-ускуналари билан мукаммал жиҳозланган «Автосервис» ишлаб чиқариш комплекси қурилди. Бу ерда шахсий автомашиналар ва мотоцикл эгаларига кенг миқёсда турли-туман хизматлар кўрсатилади. Ушбу суратда Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли «Автосервис» ишлаб чиқариш комплексининг бош корпусини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Шифобахш ўсимлик

Халқимиз қадимдан турли касалликларни даволашда ҳар хил ўсимликлардан фойдаланиб келади. Айниқса, кейинги вақтларда турли ўсимликлардан кўплаб дори-дармонлар тайёрланмоқда. Халқимизнинг шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш ҳақидаги бой тажрибасига асосланиб иш тутилмоқда.

Тошкент область дорихоналар бошқармаси бу масалага тобора катта эътибор бермоқда. Доривор ўсимликларни тайёрлаш кенгаймоқда. Шунинг учун ҳам бошқарма доривор ўсимликлар тайёрлаш планини ошириб бажариб келмоқда.

Табиатнинг бебаҳо бойлиги бўлган турли доривор ўсимликларни териб олиш ва уни аҳоли саломатлиги йўлида ишлатиш мақсадида дорихона ходимлари шанба ва якшанба кунлари область районларига чиқиб туришибди. Лекин бу ишга фақат фармацевтларгина жалб этилган холос. Бизнингча, область ўрмон хўжалиги бошқармаси, область матлубот союзи, соғлиқни сақлаш бўлими, «Ташсадвинсовхоз» трести ва бошқа ташкилотлар ҳам доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлашда яқиндан кўмаклашсалар яхши иш бўлур эди. Район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармалари, район соғлиқни сақлаш ва дорихоналар бошқармалари билан биргаликда доривор ўсимликларни ўстириш ишларига эътибор беришса, махсус звенолар ташкил этилса, аҳолининг ўсимликлардан тайёрланган турли дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаган бўлар эдик.

З. САЙДАЛИЕВА,
область дорихоналар бошқармаси ахборот бўлими бошлиғи.

ШОФЕРЛИКДА ЧОРАК АСР

Турсунбой Тожиев ўз касбига бўлган меҳри ва ҳалол меҳнати билан эл эътиборини қозонганлардан. У 26 йилдан бери Янгийўл район «Коммунизм» колхозида шоферлик қилиб келади. Шу йиллар мобайнида доимо илғорлар сафида номи тилга олинган. Турсунбой ака ёшларнинг севимли устози. Қишлоқда ўнга яқин ёш шоферлар унинг шогирди саналади.

Моҳир шофернинг ўғли Аброр ҳам ота касбини танлаган. У хўжаликда ишлаш билан бирга турли хил мусобақаларга тез-тез қатнашиб туради. Яқинда Зарафшон воҳасида республика автобазаларининг шоферлари ўртасида юк машиналарини бошқариш маҳорати бўйича ўтказилган мусобақада совринли учинчи ўринни эгаллади.

Айни кунларда тажрибали шофер Т. Тожиев ВДНХ томонидан колхозга берилган автобусни бошқариб, колхозчиларнинг узоғини яқин қилияпти.

Х. МИРЗАЕВ.



ЖУДА ҳам ширин экан!

Т. Маҳкамов фотоэтюди.

КУНДУЗИ УЧГАН КЎРШАПАЛАКЛАР

4. СЎНГГИ ОПЕРАЦИЯ

ТЕРГОВ давомида ўғри ва қотиллар гуруҳининг қилмишлари, айрим нодир нарсаларнинг йўқолиши тўлиқ фош этилди.

...Ўтган йил охирларида пул тугаб қолди. «Объект» топиш гали бу сафар Алиевга келган эди. У нима қилишини билмай ўзини ҳар томонга урарди. Бир куни «ҳурматли ота» қизининг дугоналари — Кочержёнко деганларникига тўйга таклиф этилди. Меҳмонлорчиликка ёлғиз эмас. «дўстлари» билан бирга борди. Кадаҳлар кўтарилаётган пайтда Алиев ёнида ўтирган Аликка «қўла жуда бой экан», деб қўйди.

6 ноябрь куни «устоз» Алиевни чақиртириб, тўйдаги гапни эслатди. Бирга «овга» жўнашди. Эшикни бузишиб, Кочержёнколарникига киришди. Кимсасиз уйдан 1300 сўм пул, олтин баллоклар, қиролича Екатерина II нинг тасвири туширилган, XVIII асрда ясалган тилла занжирли кулон ва кўлгина бошқа қимматбаҳо мол-мулкларни ўмариб кетишди.

«Нафасни ростлаб бўлгач» Алиев ўз улушини талаб қилиш учун Тезиков бозорига — Жаффаров ҳузурига жўнади. Шу ерда Алик 1300 ўрнига атиги 100 сўм пул олганлигини айтди. Икки ўғри урушиб қолди. Тажанг Алиев кулонни тортиб олди, (кейинроқ у терговда бу тарихий нарсани эритиб, кимларгадир тилла тиш ясаб берганини тан олди).

...Криловлар уйини ўғирлашда В. Лесовик асосий роль ўйнади. У Жаффаровга Криловнинг туриш-туромуши ҳақида батафсил сўзлаб берди. Хоналар жойлашиши, эшикларнинг йўналишини чизиб кўрсатди. Валерий ўз вариантини таклиф қилди. «Мен Криловни телефонга чақириб оламан, шу пайтда сизлар ишга тушасиз», деди. Аммо унинг режаси рад этилди.

Жаффаров ўз планини ишлаб чиқди. Барча деталлар миридан-сиригача ўйланди. Ниҳоят 23 февраль етиб келди.

ОТСТАВКАДАГИ подполковник Евгений Сергеевич Крилов жуда хурсанд эди. Ахир бугун байрам. У уруғининг бошидан охиригача фронтда бўлди. Она-Ватан озодлиги учун қон тўкди. Севган ашуласини хиргойи қилиб, кителини тозалади, жанговар мукофотларини тақди, дўстлари даврасига бориш учун ҳозирлик кўра бошлади.

Ҳадемай рафиқаси мажлисдан қайтади. Ўғли мактабдан келади... Шу аснода эшик тақиллади. У соатига қаради. «Ия, ҳали барвақт-ку»,— деган фикр ҳаёлидан ўтди. Эшикни очди. Остонада икки киши турарди: бири ёшроқ, иккинчиси каттароқ. Елкада асбоблар солинган сумка.

— Райгазданмиз. Текшириш ўтказяпмиз,— дейишди улар.

Отахон мамнун жилмайиб уларни ичкари таклиф қилди. Ошхонагача кузатиб кирди... Уҳ!.. Евгений Сергеевич бирдан ингради ва юборди. Унинг бошига алланарса зарб билан урилган эди. Пиқиллаб... Жаффаров ва Умаров тинтувга киришдилар: девордаги гиламлар олинди, билдур идишлар йиғиштирилди, қимматбаҳо зеб-зийнатлар тугилди, кўтариб бўладиган нарсалар ҳозирланди.

Ўзига келган Крилов ўрнидан турмоқчи бўлди. Умаров томонидан узиб қўйилган телефонга интилди... Зарба... яна зарба... У хушидан кетди. Жимиб қолди.

Ўғрилар оҳиста аланглаб, чемоданлар билан уйдан чиқишди. Пушкин кўчаси томон юришди. Машина тутишди. «Келес» автобус станциясига жўнашди. Сўнг автобусда Сариёғочга бориб, Курбон Мамедовникига тушишди. Айрим нарсаларни сотишди, ичишди, дам олишди... Алла паллада Тошкентга қайтиб келишиб, уйларига тарқаб кетишди...

БУ ТАФСИЛОТЛАР терговда очилди. Қотиллар аввало тихирлик қилишди. «Биз баргида юрибмиз»,— деб ўйлашди улар. А. Жаффаров, В. Масталиевларни қўлга тушмасликларига ишонишди. Аммо уларнинг ишончи сароб бўлиб чиқди.

...Ўғри ва қотиллар гуруҳининг кўпчилик аъзолари қўлга олинди. Лекин айримлари ҳали ҳам «аллама юриш»ни давом эттирмоқда эдилар.

Ҳа. Вагиф Масталиев ўша пайтда қочиб кетишга улгурган эди... У ўзини «ўта билағон, ақлли, қўлга тушмас» деб ҳисоблар. «мени тутадиганлар онасидан туғилмаган»,— дея кериларди.

Лесовик билан бўлган суҳбатдан кейиноқ Иттифоқимизнинг деярли барча шаҳарларига Вагифнинг нусхаси туширилган расмлар юборилди. Кунларнинг бирида Днепропетровскдан хат келди. Милиция ходимлари шаҳарда жанубликларга ўхшаш икки йигитнинг пайдо бўлганлигини, уларнинг бири Масталиев деб гумон қилинаётганлигини хабар қилишган эди. Терговчи И. Хайтемов ва капитан А. Андреев Украинага учиб кетишди.

Терговчи ва капитан Днепропетровскка келгач, жиноят-кидирув ходимлари билан алоқа ўрнатдилар. Биргаликда меҳмонхоналар ва бошқа жойларни текшириб чиқишди. Масталиев топилмади. Балким, шаҳсий уйларнинг бирида тўхтагандир. Вагифнинг янги жиноятлари оллини олиш учун уни тезроқ қамамоқ лозим эди.

Излаш кундузи ҳам, тунда ҳам давом этди. Ниҳоят, дараги топилди. Шаҳарлик аёллардан бири. Масталиевнинг портретини кўргач, унинг кўшни уйлардан бирида шериги билан яшаганлигини, уч-тўрт кун бурун эса Ялтага жўнаб кетганлигини айтиб берди.

ЯЛТА деярли катта шаҳар эмас. Масталиевнинг кўпайтирилган портретлари участка инспекторлари, жиноят-қидирув ходимлари ва дружиначиларга тарқатилди. Эртаси шундай хабар олинди: Вагиф кеч пайти ресторанларнинг бирига келади... Аммо сал аввалроқ Хайтенов билан Андреевларнинг ўзлари уни денгиз соҳилида учратишди... Ҳозир қўлга олишса-чи?.. Йўқ, у қуролланган бўлиши мумкин. Тинч дам олувчиларнинг бирортасига зарар етказмасин?..

Масталиевни қош қорайгунча кузатишди. Мана у шираканф ресторандан чиқди. Шериги билан ётоқхонасига жўнади... Номернинг эшиги ёпилишга улгурмади... У билан бирга тергов органларидан қочиб юрган Хасанов деган киимса ҳам қамоққа олинди.

...Юэлаштиришлар, сўроқ қилишлар, тергов давом этди. А. Жаффаров, В. Масталиевларнинг кимлиги фош бўлгач, улардан ҳатто ўз шериклари жиркана бошладилар... Мана, Алсаф... Ҳали ўттиз беш ёшга тўлмаган бўлса ҳам икки марта қамалиб чиққан. Бир марта ўғирлик учун, бир марта гиёбанд савдо учун. Айёр, муттаҳам, пуд деса ўзини томдан ташлайдиган одам. Балогатга етмаганларни турли ҳийла-найранглар билан ўз домига илинтириб юрган.

Унинг тузоғига илинганлар ким? Ҳаммаси эндигина мустақил ҳаёт бўсағасига қадам қўйган ёшлар. Умаров, Красношеков, Абдуллаев, Лесовик, Алиев — булар нинг ҳаммаси ўрта маълумот эгалари. Айримларининг ҳунари бор, айримларининг йўқ. Лесовик ўймакор, Алиев 19-поликлиниканинг тиш доктори. Улар ўз меҳнатлари эвазига топган маошлари ҳисобига турмуш кечиришлари мумкинмиди?! Ҳа, мумкин эди.

Фақат ишёмаслик, ҳарам-харишга ўрганишлик, ахлоқсизлик, текин пулга ўчлик, келажакни ўйламаслик, енгил-елпи яшашга мослашиш каби шахсий кусурлар уларни ғиюлик, қотиллик йўлига олиб келди.

Суд процесси бир неча кун давом этди. Кўпгина одамлар, шу жумладан, жиноятчиларнинг ота-оналари, оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам гувоҳлик бердилар... Улар ўз фарзандларининг, турмуш ўртоқларининг нима иш қилиб юрганликларидан бехабар эканликларини айтдилар. Нешона тақ этиб, кўзлари мошдек очилганда пушаймон қила бошладилар... Ишонишга қийин. Наҳотки улар чиндан ҳам энг яқин кишиларининг туриш-турмушига мутлақо бепарволик билан қараган бўлсалар?!

Ҳақиқат қарор топди. Қора курсида ўтирган ўғрилар, қотиллар қилмишларига яраша жазосини олдилар. Ҳаётда фақат биргина йўл — ҳақиқат. эзгулик, самимият, инсонийлик йўли бор. Бу йўлдан тойганларнинг умри хазон, иқболи забун бўлгусидир.

С. НУРМАТОВ,
У. ХУДОИБЕРДИЕВ.

ГФРДА — УЗБЕКИСТОН РЕКОРДИ

Германия Федератив Республикасининг Гуштадт шаҳрида ГФР ва СССР сузувчилари ўртасида халқаро матч учрашуви бўлиб ўтди. Бу кескин мусобақада СССР терма командаси аъзолари ажойиб натижаларни қўлга киритдилар.

Узоқ Германияда мамлакатимиз спорт шарафини республикамиз вакили новойлик спорт мастери Л. Чертова ҳам ҳимоя қилди. У учта масофада — 100, 200 ва 800 метрга эркин усул билан сузишда фахрий шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи погоналарига кўтарилди. Вакилимиз дастлабки икки масофада бронза медалларини қўлга киритди.

Сўнгги учинчи масофада Л. Чертова ўзининг бор маҳоратини ишга солиб, иккинчи ўринни эгаллади. Унинг натижаси 9 минут 33,2 секунд, республикамизнинг янги рекордидир. Умуман Ўзбекистонлик сузувчилар бу йил ҳаммаси бўлиб республиканинг 15 та янги рекордини ўрнатдилар. Спорт мавсуми энди авжига чиқаётганлигини ҳисобга олсак, бундай юксак натижалар яна кўп кўрсатилади.

ОЛМАЛИҚЛИК ИИГИТ ҒАЛАБАСИ

Уч кун давомида Қорақалпоғистон пойтахти Нукусда велоспорт (шоссе) бўйича Ўзбекистон шахсий команда чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда спорт жамиятлари ва идораларининг командалари иштирок этдилар.

50 километр масофада шахсий пойгада наманганлик Ф. Аҳмедов маррага биринчи бўлиб келди. Шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб ўтказилган критериум пойгаси айниқса қизғин тус олди. Пойга қатнашчилари голибликни учун бор маҳорат ва тажрибаларини ишга солдилар. Ана шундай кескин курашда олмалиқлик спорт мастери Александр Почукутов биринчи ўринни эгаллади.

Команда ҳисобида эса 29 очко тўплаган «Буревестник» спорт жамияти командаси республика чемпиони бўлди. Армиячилар иккинчи. «Меҳнат» жамияти коллективи учинчи ўринни олди.

ФИНАЛ — ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИДА

Физкультура коллективлари командалари ўртасидаги Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг ниҳоясига етай деб қолди. 13 август Бутуниттифоқ физкультурачилар кунида «Қибрай» стадионида финалга чиққан иккита футбол командасининг учрашуви бўлиб ўтади.

Кун кеча эса ярим финал матчлари ўтказилди. Биринчи учрашувда Наманганда маҳаллий «Текстильщик» ва Тошкентнинг «Инструменталыщик» командалари майдонга чиқишди. Бунда мезбонлар 3:1 ҳисобида ғалабага эришиб, финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

Лекин финал учрашувининг иккинчи қатнашчиси ҳозирча номаълум. Гарчи Қаршида «Қаршистрой» ва Наримонов номли колхознинг «Хоразм» командалари учрашган ва бунда майдон эгалари 2:1 ҳисобида голиб чиққан бўлсаларда, хоразмлик футболчилар Ўзбекистон футбол Федерациясига ўйиндан норози эканликларини билдирдилар. Бугун-эрта ана шу масала ҳал этилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

32-ҚИШЛОҚ ЎРТА-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977 — 78 ЎҚУВ ИЛИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КЕНГ ПРОФИЛЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТЛАР, УЧИНЧИ КЛАСС ШОФЕРЛАРИ, СЛЕСАРЛАР, МЕВАЧИЛИК ва САБЗАВОТЧИЛИК МАСТЕРЛАРИ, ШОФЕР-СЛЕСАРЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ва УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-КИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 — 3 ЙИЛ.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР СТИПЕНДИЯ, ИССИҚ ОВҚАТ ВА КИЙИМ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиги ҳақида справка, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат, армияга чақирилувчилар учун гувоҳнома, таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Янгийўл район, Халқобод посёлкаси.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ ФИЛИАЛИ
46-ШАҲАР КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА:
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр кўприк кранларининг машинисти. Камида 17,5 ёшга, ча бўлган қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 10 ой.

Газ электр пайвандчи. Камида 17,5 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 6 ой.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 40 сўм ҳажмида стипендия, уч маҳал бепул овқат, завод ётоқхонасидан бепул жой билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ўқишни тугатганларидан кейин темир йўл транспортининг барча имтиёзларидан фойдаланадилар.

Мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри-5, Червяков кўчаси, 64-уй, кадрлар бўлими: Тошкент шаҳри-15, Кафанов кўчаси, 15-уй, қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққолдик — кондитерлик, гастрономия, гўштбалиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллларининг юқори малакали сотувчи-контролёр-кассирларини тайёрлайди.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 1 ва 2 йил.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «сотувчи-консультант», «сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Ўқувчиларга 32 сўмдан стипендия берилади, етим, ота-она қарамисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Беш универсал магазин, ГУМ ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, шаҳар меҳнаткашлар депутатлари совети ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси.

Билим юртининг адреси: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, «Самарқанддарвоза» кўчаси, 60-уй, (4, 9, 11, 15, 19, 21-трамвайлар, 12, 13, 29, 32, 34, 43, 48-автобусларнинг «Оқтепа» бекати). Телефон 78-35-39.

Телевидение

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Кувноқ стартлар». 11.15 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Совет композиторларининг қўшиқлари. 12.05 — Бизнинг биография — 1961 йил. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Рус тили. 16.45 — «Кешка ва унинг дўстлари ҳақида ҳикоялар» (бадиий фильм, 2-серия). 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Болалар учун эртак. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ф. Фельцман чалади. 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақида суҳбатлар (2-кўрсатув). 20.20 — «Уйинчоқ» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Олтин нотолар». 23.10 — Энг кучли совет гимнастларининг чиқиши. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун телефильмлар. 12.00 — «Янгра, барабан». 12.45 — Т. Мамедова концерти. 13.15 — «Биринчи комсомол қиз» (бадиий фильм). 16.30 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — Жанговар постда. 19.45 — Ахборот. 20.00 — П. Қодиров. «Йўра институтга киради». Телеминиатюралар театрининг спектакли. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Қ. Дўстмуҳамедова ва А. Бозоров концерти. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ўзбекистон чорвадори. 22.30 — «1943 йил ёзи» (бадиий фильм).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/VIII да **Уйланиш**, 12/VIII да **Оловни ташлама, Прометей!**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак** (кундуз ва кечкурун).

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 16, 18.30), **«ЧАПКА», «НУКУС»** (кундуз ва кечкурун).

Номус масаласи — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Стажёр — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.15).

Номус масаласи — «ХИВА» (21.15).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.
Р. 13363. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1681.